

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>А.Абдурахмонов</b>	
Яшил рангнинг миллий шеъриятда ўзига хос ифодаси (испан ва ўзбек лирикаси мисолида) .....	79
<b>О.Абобакирова</b>	
Ўзбек болалар ҳикоячилигининг бадиий хусусиятлари.....	83
<b>Д.Турдалиев</b>	
Рус фольклоршунослигида анъанавий лингвистик формулалар.....	92
<b>И.Ҳабибуллаев</b>	
Хуршид Дўстмуҳаммад қиссаларида руҳий-психологик тасвир (“Нигоҳ” қиссаси асосида).....	98

#### ТИЛШУНОСЛИК

<b>А.Муҳиддинов</b>	
Нутқ актини биомолекуляр ва ментал кодлаштириш жараёнларининг изоморфлиги ва алломорфлиги .....	103
<b>Р.Сайфуллаева, Ҳ.Ҳамроева</b>	
Ўзбек рақс терминларининг лингвокультурологик таснифи.....	108
<b>З.Акбарова</b>	
Турли функционал услублардаги матнларда тил воситаларидан фойдаланган ҳолда оламни моделлаштириш.....	113
<b>Н.Шарафутдинова</b>	
Ўткир Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар” асарида қўлланилган мифоним ва теонимлар таҳлили.....	118
<b>Ў.Исламов</b>	
Адабий тил - нутқ маданиятининг олий шакли.....	122
<b>Л.Абдуллаева</b>	
Аббревиация-ўзбек ва инглиз тилларида сўз ясаш усули сифатида.....	126

#### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>С.Абдурахмонов, Ш.Ибрагимов</b>	
Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг ташкилий усуллари.....	129
<b>У.Абдуллаева</b>	
Чет тили бўйича кўникмаларни баҳолашда ёш хусусиятларига кўра ёндашув принциплари.....	134

#### ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Ў.Омонова</b>	
Алмаштириш операторларини қуришнинг композицион усули ҳақида.....	139
<b>А.Раҳматжонзода</b>	
Баъзи умумлашган гипергеометрик функцияларнинг интеграл кўринишини топиш масалалари.....	143
<b>Б.Каримов, Р.Эргашев, А.Сирождидинов</b>	
Sn асосида шаффоф ўтказувчи электродлар.....	147
<b>А.Урунов, С.Элмонов</b>	
Тишли-ричагли механизмлардан тузилган комбинацион механизмнинг параметрларини асослаш ва кинематик текшириш .....	150
<b>Д.Аббосова, А.Ибрагимов, О.Назаров</b>	
Ephedra equisetina bunge ўсимлиги баргларида олинган эфир мойи таркибий қисмларининг ГХ-МС таҳлили.....	154
<b>М.Ахмадалиев, И.Асқаров, Н.Юсупова, М.Икромова</b>	
ЗФАМЭД смоласининг олиниши.....	158
<b>С.Маматқулова, Ш.Абдуллаев, Р.Деҳқонов</b>	
Helianthus tuberosus L. (Топинамбур) ўсимлиги илдиз мевасидан турли муҳитларда пектин моддасини ажратиш олиш ва функционал гуруҳларини аниқлаш.....	161

УДК: 8.085

И.- 80

**АДАБИЙ ТИЛ – НУТҚ МАДАНИЯТИНИНГ ОЛИЙ ШАКЛИ**  
**ЛИТЕРАТУРНЫЙ ЯЗЫК – ВЫСШАЯ ФОРМА РЕЧЕВОЙ КУЛЬТУРЫ**  
**LITERARY LANGUAGE IS THE HIGHEST FORM OF SPEECH CULTURE**

Ў.Исламов<sup>1</sup><sup>1</sup> Ў.Исламов

— Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, филология фанлари номзоди.

**Аннотация**

Мақолада нутқ маданияти соҳасининг илк илдизлари ҳақида фикр юритилиб, бунда ушбу соҳанинг ривожланиш даврларида ўзбек ва рус олимларининг қарашлари қисқача баён этилган. Мақолада адабий тил меъёрлари, ушбу меъёрларга амал қилиш йўллари борасида қилиниши лозим бўлган масалалар хусусида фикр юритилган.

**Аннотация**

В статье вкратце изложены истоки речевой культуры, обобщаются взгляды узбекских и российских ученых на развитие этой области. Рассматриваются вопросы, которые необходимо решить с точки зрения норм литературного языка и способы соблюдения этих норм.

**Annotation**

This article discusses the origins of the area of speech culture, summarizes the views of Uzbek and Russian scientists on the development of this area. The article discusses the issues that need to be resolved from the point of view of the norms of the literary language and how to comply with these norms.

**Таянч сўз ва иборалар:** тил, сўз, нутқ, нутқ одоби, нутқ маданияти, маданий тил, меъёр, адабий тил.

**Ключевые слова и выражения:** язык, слово, речь, речевой этикет, культура речи, культурный язык, норма, литературный язык.

**Keywords and expressions:** language, words, speech, speech etiquette, speech culture, cultural language, norm, literary language.

Тилга муҳаббат билан ёндашиш уни маданийлаштиради, ундан фойдаланишга муносабат эса фойдаланиш қонуниятларини маданийлаштиради. Қандай нутқ тузишга муносабат, яхши нутқ (намунали нутқ) тузишни таъминлайди.

Нутқни амалда ишлатишга муносабат сўзловчи ва тингловчининг нутқ бойлигини маданийлаштиради. Бунда яна сўзловчи ва тингловчиларнинг ахлоқ меъёрларига амал қилиш масаласи ҳам жуда муҳимдир. Демак, а) адабий тил меъёрларига, белгиланган қонун-қоидаларга амал қилиш; б) муомала одобига амал қилиш деган ҳолатлар эътиборда бўлиши муҳим. Бу ҳақда ХХI аср ўзбек тилшунослигида ўзига хос мактаб яратган олим Н.Маҳмудов шундай дейди: “Тилнинг пайдо бўлишидан тортиб, унинг тарихий тараққиёти-ю яшаш тарзигача, истиқомат шароитидан тортиб, эврилиш шамойилларигача, умуман, бу яхлит беназир ҳодисанинг моҳияти ва табиатини осонлик билан инкишоф қилиш мушкул иш. Зотан, инсон тили бениҳоя мураккаб, бениҳоя кўп

томонлама, бениҳоя ўзига хос муҳташам ва мунтазам ҳодисадирки, унинг барча жиҳатларини яхлитлигича ва бирданига тасаввур қилишга кўпда инсон ақли ожизлик қилади” [1,5].

Хуллас, нутқ маданияти соҳасининг текшириш объекти намунавий нутқий фаолиятдир.

“Тил маданиятининг асосий текшириш объекти адабий тил нормалари, асосий вазифаси эса ушбу меъёрлардаги иккиланишларни бартарф этиш бўлмоғи керак” [2,43]. “Нутқ маданияти асосининг асоси (“аснова основ”) адабий тил нормаларига амал қилишдир, бу эса умумий маданийликнинг муҳим таркибий қисмидир” [3,3] ва б. Мана шу фикрда ҳодиса моҳиятига алоқадор фикр эътироф этилган бўлиб, зеро нутқ маданияти ёки нутқий маданият тушунчалари умумий маданийликнинг таркибий қисмидир. Бу ўринда “Адабий тил меъёрларига амал қилиш” (фаолият) масаласи ўртага ташланади. Яъни, нутқий маданиятнинг бош масаласи тилга

## ТИЛШУНОСЛИК

муносабат, тилдан фойдаланишга муносабат, қандай нутқ тузишга муносабат, нутқни амалда қўллашга муносабатда намоён бўлади.

Рус тилшунослигида ва туркологияда 1960-1972-йиллар мобайнида нутқ маданияти тушунчаси ва унинг текшириш объектини аниқлашга қаратилган бир қанча назарий мулоҳазалар баён қилинди. Булар орасида диққатга молиги – нутқ маданиятининг текшириш объекти – тил меъёри, адабий меъёр ва унинг қонуниятларини ўрганишдир, дейилган мулоҳазалардир. Чунончи: “Нутқий маданиятнинг ўзак масаласи – меъёр муаммосидир” [4,126]. Вариант воситаларни нутқда мақсадга мувофиқ равишда танлаш ва қўллаш олиш ҳақидаги таълимот бўлмиш нутқ маданияти назариясининг асосий предмети нормадир.

1970 йилда нашр этилган “Актуальные проблемы культуры речи” тўпламида Нутқ маданияти назариясидаги марказий тушунча норма эканлиги, Нутқ маданияти муаммосига ва у билан боғлиқ масалаларга ёндашиш норма ҳодисасини, адабий тил ва унинг функционал боғлиқлиги ҳамда тарихий ўзгарувчанлигини тарихий, ижтимоий ва хусусий жиҳатдан ўзлаштиришни кўзда тутиши илмий таҳлил қилингандир.

Тил нормасини барча даражалари ва шаклланган ҳолатида; ундаги қарама-қаршилиқлар, янги ривож топаётган тенденцияларни ҳисобга олган ҳолатида ўрганиш нутқ маданиятига доир муаммонинг муҳим вазифасидир.

Мана шунга ўхшаш мулоҳазалар умумий тилшуносликнинг назарий муаммоларига бағишланган адабиётларда ҳам учрайди [5,591].

Шундай қилиб, нутқ маданияти соҳасининг объекти адабий меъёрдир, дейилган умумий қараш мавжуддир. Бу фикр туфайли нутқ маданиятининг объектини белгилаш бўйича калаванинг учи топилгандек туюлади. Аммо адабий меъёр нутқ маданиятининг объектидир, дейиш билан, бизнингча, ҳеч нарса ҳал бўлмайди. Бунинг, асосан, икки муҳим сабаби бордир.

**Биринчидан**, тил меъёри ва адабий меъёр лингвистик муаммо сифатида нутқ маданияти соҳа сифатида таң олингунига қадар ҳам ўрганиб келинган. Ўрта мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юртлирининг она

тили дарсликлари ва қўлланмаларида, махсус илмий грамматика ҳамда монографияларда ҳам адабий тил меъёри ва талаблари ҳақида маълумот берилади. Демак, адабий тил нормасини ўрганиш тилшунослиқда янги ҳодиса эмас.

**Иккинчидан**, нутқ маданияти соҳаси адабий тил меъёрини қандай усулда, қандай мақсадда ўрганати? Бу ўрганиш нормани анъанавий грамматик тавсиф этишлардан нимаси билан фарқланади?

Юқорида таҳлил қилинган фикрлар, шунингдек, бошқа адабиётлардаги мулоҳазалар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Нутқ маданияти соҳасининг асосий текшириш объекти адабий тил меъёри, унинг шаклланиш, ривожланиш, турғунлашув қонуниятларига амал қилиш.

2. Нутқ маданияти соҳасининг адабий тил нормасига ёндашуви, анъанавий грамматик муносабатдан маълум томонларига кўра фарқ қилади. Бу қуйидаги хусусиятларда ўз ифодасини топади:

а) нутқ маданияти адабий меъёридаги ўзгариб, кўпроқ бузилиб турувчи, нутқий нуқсонларни юзага келтирувчи хусусиятларни топиши, уларни тузатишга интилиши лозим;

б) нутқ маданияти адабий тил нормасини ўзгарувчан (динамик) ҳодиса, яъни доимо ривожланиб, ўзгариб турувчи ҳодиса тарзида текшириш керак. Шу асосда нутқ маданияти адабий тил меъёри системасидаги: энг янги ҳолатларни, ўзгараётган ҳолатларни, ўзгарган ҳолатларни, «ўлган», яъни истеъмолдан чиққан ҳолатларни ҳисобга олмоғи лозим;

в) нутқ маданияти адабий меъёрини тилнинг барча сатҳ (ярус)лари бўйича текшириши керак. Бунда у адабий тил меъёри тизимидаги қарама-қарши ҳолатларни белгилаши лозим;

г) нутқ маданияти адабий тил меъёрининг фақат турғун (стабил) структурасинигина ўрганмайди, балки бу структуранинг юзага келиши ва ўзгаришига таъсир этган ва таъсир этиши мумкин бўлган адабиймас факторларни, асосларни ҳам текшириши зарур. Мана шу асосда нутқ маданияти адабий меъёр ва ундаги норматив воситаларнинг истиқболлини, аниқроғи, истиқболлигини ҳам аниқламоғи лозим.

Нутқ маданияти соҳасининг адабий нормани ўзига хос ўрганиш услуби юзасидан юқоридаги тарзда баён қилинган фикрлар, умуман аниқ илмий томонларга эга. Аммо адабий меъёр қонуниятларини қайд этилган ҳолатда аъъанавий тилшунослик бўлимлари – грамматикалар ҳам ўрганиб келади. Хўш, шундай экан, адабий тил меъёрини аъъанавий ўрганиш билан нутқ маданияти соҳасининг ўрганиш орасида қанчалик фарқ бўлади, дейилган ҳақли савол яна туғилади. Ушбу муаммога жавоб беришга интилганлардан бири тилшунос В.К.Костомаровдир. У “нутқ маданияти ҳақидаги таълимот” ни “норматив тилшунослик” деб номлайди ва ёзади: “Тил назариясининг объектив-тарихий йўналишлари ва бошқа хил таълимотлари билан бир қаторда, ушбулардан келиб чиқадиган тил ва нутқ маданияти ҳақидаги таълимот – норматив тилшунослик мавжуддир. Ушбу таълимот нутқий ҳаётнинг маданий талабларини қондириш, кишиларда нутқий эҳтиёжларни осон ва гўзал равишда қондира олиш малакасини тарбиялаш лозим бўлади. Ушбу таълимот тил ва унинг ривожланиш йўллари мукамал билиш орқали лингвистик маданиятга эришиш усулларини кўрсатиш, тил диди ва тил меъёрига тўғри келмовчи ҳолатларни белгилаб бериши лозим. Меъёрийликка таянувчи бу таълимот синхрон-тасвирий грамматика, лексикология, стилистикага ҳам мос келмайди. Нутқ маданияти таълимоти учун тил воситаларининг вазифаси энг асосийдир. У жонли қўлланиш (биринчи навбатда, албатта, намунавийликни) ифодалаш керак” [6,5].

Махсус адабиётларда баён қилинган мулоҳазалар асосида нутқ маданияти адабий меъёрни маълум мақсад билан, аниқроғи, маданий нутқнинг чегараси ва воситаларини аниқлаш доирасида ўрганади, дейилган умумий хулосага келиш мумкин.

Нутқ маданияти соҳасининг меъёрни ўрганиш билан боғлиқ фаолияти ушбу соҳанинг барча вазифасини ўз ичига қамраб олмайди, албатта. Меъёр қонуниятларини ўрганиш адабий тил воситаларининг ўз функционал фаолиятини қандай бажараётганини аниқлаш ишига ёрдам беради, аммо бундай тадқиқотнинг натижалари жамият аъзолари нутқий фаолиятининг барча томонларини

атрофлича қамраб ололмайди. Шу сабабли нутқ маданияти соҳасининг текшириш объектига жамиятнинг “нутқий фаолияти қонуниятларини ўрганиш” (Л.В.Щерба) ҳам киради.

Кўринадики, нутқ маданиятининг текшириш объекти адабий тил (ишланган, маданийлашган тил) меъёрлари, қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда намунали нутқ тузиш ва уни муомала одоби талабларига мос ҳолда намоён этиш фаолиятидир. Зеро, нутқий фаолият тил ва нутқнинг диалектик муносабатидан ташкил топишининг эътироф этилиши системавий тилшуносликнинг вужудга келишига дадил қадам бўлди.

Демак, “Нутқ маданияти” фанининг текшириш объекти “Маданий нутқий фаолият” эканлиги аниқ белгиланиши мумкин.

Намунали нутқий фаолият доирасига куйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) маданий (ишланган) адабий тил (у албатта, биламизки, меъёрлашган тилдир);
- 2) тилдан мақсадга мувофиқ фойдаланишга лаёқатли шахс;
- 3) нумунавий нутқ (барча сифатлари билан), уни амалда яратиш;
- 4) яхши – ёмон нутқнинг фарқланиши;
- 5) муомала одоби – маданияти;
- 6) муомала одобига амал қилинганлик;
- 7) нотиклик санъати.

Инсоннинг ўз адабий тили меъёрларига амал қилган ҳолда нутқ тузиш ва ундан ахлоқ қоидаларига амал қилган ҳолда фойдаланиш нутқ маданияти соҳасининг текшириш объектидир. Чунки Шарқда қадимдан нутқ маданияти – бу одоб-ахлоқнинг бир қирраси, одоб-ахлоқнинг категорияси сифатида талқин этилган. Шунинг учун ҳам биз “нутқ маданияти” ҳақида фикр юритганда, аввало, бу “нутқ одоби”, “муомала одоби” эканлигини унутмасилигимиз зарур.

Хуллас, “Нутқ маданияти” фанининг текшириш объектига маданий нутқий фаолият кирар экан; яъни:

- 1) адабий тилнинг ишланганлик (маданийлашганлик) даражаси – маданийлашганлиги ёки йўқлиги – меъёрлари мукамал ҳолатга келтирилганми? Келтирилганлик даражаси қай аҳволда каби масалалар;

- 2) адабий тил меъёрларидан фойдаланишга алоқадор қонун-қоидаларнинг

## ТИЛШУНОСЛИК

ишланганлик даражаси (орфографик, орфоэпик, пунктуацион ва бошқа қоидалар) – имло қоидаларининг пишиқ-пухта ишланганлиги масалалари;

3) нутқ яратувчилар намунали нутқ туза олиш малакасига (тўғри, аниқ, мантиқли, жўяли, соф, тушунарли, ихчам, таъсирли ... нутқ) эга ҳолатдами – шундай нутқ туза олиш маданиятини эгаллаганлиги масалалари;

4) нутқини миллий муомала одоби – мулоқот маданияти талабларига мувофиқ тарзда, амалда ишлата олиш малакасига эга эканлик – эга эмаслик масаласи кабиларга алоҳида аҳамият бермоғимиз керак.

Мана шу тўрт ҳолат маданий нутқий фаолиятнинг асосини ташкил этади. Нутқ маданиятига оид барча илмий-амалий фаолият шу тўрт аспект доирасида олиб борилади.

Тил ва адабий тил меъёрини нутқ маданиятининг объекти деб билиш ва бу объектни тадқиқ қилишнинг илмий аспектларини белгилаш, албатта, меъёр ҳодисасига оптимал, реал қарашларга асосланиши лозим бўлади. Адабий тил меъёрига оптимал қараш – бу ҳодисани реал нарса деб билишгина эмас, балки уни тил ва маданий нутқ билан узвий боғлиқликда бўлган *лингвистик категория* деб тан олишдир. Бунда қуйидаги хусусиятлар характерлидир:

- адабий меъёр ва нормативлар реал, мавжуд ҳодисалардир;

- адабий меъёр адабий маданий нутқнинг оптимал бўлиши учун хизмат қилади, яъни маданий нутқ ўзига тегишли воситаларни адабий меъёр стандартларидан олади;

- ўз навбатида, адабий меъёр ва меъёрийликнинг тўғри ва ҳаётийлиги жонли нутқда синалади;

- жонли нутқ адабий меъёрдан фақат фойдаланмайди, балки унга янги тавсиялар ҳам беради;

- адабий меъёр учун янги норматив воситалар реал “нутқий ҳаёт”да пишиб етишади. Бу маънода меъёр ва нутқ бевосита боғлиқ ҳодисалардир ва б.

Келтирилган фикрлар асосида нутқ маданияти соҳаси ўзбек адабий тили нормаларини икки умумий ҳолатда текширади, деган хулосага келиш мумкин:

1. Адабий норма фактлари турғунлашган (стабиллашган) норматив тил системаси тарзида, яъни маданий тил воситалари тарзида ўрганилади. Масалан, ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги норматив деб ҳисобланувчи барча воситалар ушбу системага киради.

2. Адабий тил фактлари реаллашган (нутқий фаолиятда қўлланаётган) норматив система тарзида ўрганилади.

Демак, нутқ маданияти ўзбек адабий тили муаммосини, бир томондан, маданий тил имкониятлари сифатида ўрганса, иккинчи томондан, ўша маданий имкониятлардан қай даражада фойдаланилади ва қай даражада фойдаланиш мумкин, дейилган тарзда тадқиқ қилинади.

**Адабиётлар:**

1. Маҳмудов Н. Ўзбек тили социолингвистикасининг долзарб муаммолари. Ўзбек тилшунослигининг ривожланиш долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т., 2020.
2. Язык и стиль, (сборник), – М.: Мысль, 1965.
3. Рихтер. И. Нормы литературной речи по преимуществу разговорной, 1958.
4. “Вопросы языкознания”. –1965, №4.
5. “Общее языкознание”, – М.: Наука, 1970.
6. Костомаров.В.Г. Насущные задачи учения о культуре речи. // Русский язык в школе. – 1965 №4.
7. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдишлари ва йўналишлари. – Андижон, 2006.

(Тақризчи: Ш.Искандарова–филология фанлари доктори, профессор).